

**Мавзу:** Сертификатлаштирилган сифат менежменти тизимининг инспекцион назорати. Хулоса.

**Режа:**

1. Инспекцион назоратни ўтказиш қоидалари.
2. Инспекцион назоратни ўтказиш тартиби.
3. Сифат менежменти тизимини қайта сертификатлаштириш. Хулоса.

**1. Инспекцион назоратни ўтказиш қоидалари**

Сертификатлаштирилган сифат менежменти тизимининг инспекцион назоратини, сифат менежменти тизимини сертификатлаштиришда талабларга мувофиқлигини давом этишини тасдиқлаш мақсадида сертификат берган сертификатлаштириш идораси ўтказди.

Сертификатланган сифат менежменти тизими инспекцион назорати йил давомида бир мартадан кам бўлмасдан, мувофиқлик сертификати амал қилиш муддатигача ўтказилади. Инспекцион назорат режа бўйича ва режадан ташқари бўлиши мумкин.

**Режадан ташқари инспекцион назорати қуйидаги ҳолатларда ўтказилади:**

сертификатлаштирилган ташкилот ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатига шикоятлар бўлса;	текширилаётган ташкилотнинг ташкилий тузилмасига, ходимлар таркибига ёки сифат тизими жараёнларига ўзгартириш амалга оширилса;	маҳсулот конструкцияси ёки ишлаб чиқарилётган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига таъсир қилувчи ишлаб чиқариш технологияси ўзгарса.
-------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Режали инспекцион назорати сертификатлаштиришда ўрнатилган муддатда ўтказилади.

Режали инспекцион назорат объектлари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:	ташкилот-таъминотчи раҳбарияти томонидан таҳлил;
	сифат менежменти тизими жараёнлари ва элементлари;
	ички аудит натижалари;
	эътироз ва шикоятлар;
	мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгисидан фойдаланиш;
	сертификатлаштиришда ёки навбатдаги инспекцион назоратида аниқланган номувофиқликни, бартараф қилиш бўйича тузатиш ҳаракатлар.

## **2. Инспекцион назоратни ўтказиш тартиби**

Инспекцион назорат худди сертификатлаштириш аудитидагидек кетма-кетликда ўтказилади. Текшириш ҳажмидан фарқли ўлароқ, инспекцион аудити сертификатлаштириш аудитининг тахминан учдан бир қисмини ташкил этади. Инспекцион назорати натижалари ижобий бўлса, сертификатлаштириш идораси ўзининг қарори билан сертификатни амал қилишини тасдиқлайди.

Инспекцион назорати натижалари салбий бўлса, сертификатлаштириш идораси сертификатни амал қилиш муддатини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сертификатлаштириш идорасининг сертификатни амал қилиш муддатини тўхтатиш ёки бекор қилиши ва мувофиқлик белгисини қўллаш тўғрисида қарорини мувофиқлик сертификати эгасига, ҳамда “Ўзстандарт” агентлигига қизиқувчи шахс ва ташкилотларни хабардор қилиш учун жўнатади. Бекор қилинган сертификат сертификатлаштириш бўйича идоранинг қарорига асосан давлат реестридан чиқарилади.

Сертификат ва мувофиқлик белгисини ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарордан норози бўлган ҳолатларда, текшираётган ташкилот Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимида, ўрнатилган тартибга мувофиқ апелляция кўриб чиқилади.

### **3. Сифат менежменти тизимини қайта сертификатлаштириш. Хулоса.**

Сифат менежменти тизимини қайта сертификатлаштириш (ресертификатлаштириш) сертификат берилганидан сўнг уч йил ўтганидан кейин ўтказилади. Бунда қайта сертификатлаштиришга аризани сертификатлаштириш идорасига сертификат муддати тугамасдан олдин бериш тавсия этилади. Ўтказилган инспекцион назоратлари бўйича маълумотларни ҳисобга олган ҳолда қайта сертификатлаштириш аудити ҳажми (аудитор иш куни миқдори) дастлабки баҳолаш ҳажми (ҳужжатлар таҳлили ва сертификатлаштириш аудити)дан учдан бирга қисқартирилиши мумкин.

### *Мувофиқлик сертификати ва белгисидан фойдаланиш.*

Сертификатлаштириш идораси мувофиқлик сертификати ва белгисидан фойдаланишни назорат қилади. Агар сертификатлаштириш идораси сифат менежменти тизимни сертификатланганлигини намойиш қилиш учун мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим қилса, ташкилот фақат шу шаклда сертификатлаштириш идоранинг расмий хати шаклида рухсати билан белгини қўллаши мумкин. Бу белги маҳсулотга ёки уни маҳсулотнинг мувофиқлик белгиси сифатида талқин қилиниб кўйилишига рухсат этилмайди. Мувофиқликни тасдиқлаш белгисини қўллаш қоидалари О'з DSt 5.8 да, унинг ўлчами ва шакли О'з DSt 1.19 га асосан аниқланади.

Сифат менежмент тизимини сертификатлаштириш идораси аризачи томонидан мувофиқлик белгиси ёки сертификатни нотўғри қўлланилган ҳолатларида тузатиш чора-тадбирларни қабул қилиш учун ҳужжатлаштирилган процедура қўллайди. Сертификатлаштириш идораси ўрнатилган процедура бўйича сертификатлаштириш ҳужжатларини ҳисоби ва сақланишини таъминлайди.

Сертификатлаштириш идорасининг аудиторлари, барча ходимлари ва аудиторлик комиссия ишига жалб қилинганлар сертификатлаштириш жараёнида олинган барча маълумотлари махфийлигига роия қилишади.

Сифат менежменти тизимини текшириш ўтказиш юзасидан, ҳамда унинг натижалари бўйича зиддиятлар туғилган ҳолатларда аризачи РД Уз 51-026 да ўрнатилган тартибга мувофиқ текшириш жараёни ва натижалари бўйича апелляцияси комиссиясига шикоят қилиши мумкин.

Агар текширилган сифат менежмент тизими стандарт ва бошқа ҳужжатларга мувофиқлиги асосида текшириш амалга оширилса, лекин номувофиқликлар бартараф қилинмаган бўлса-ю ва ташкилот уч ойдан

кўп бўлмаган муддатда уларни бартараф қилса, унда ташкилот қайта сертификатлаштиришга ариза билан мурожаат этади. Сертификатлаштириш бўйича ишлар соддалаштирилган схемалар бўйича ўтказилиши мумкин: сифат тизими элементлари, яъни камчиликлар кўрсатилганлиги бўйича текширилади. Бунда ишга тўловлар ҳақиқий текшириш меҳнат сарфига боғлиқликда амалга оширилади.

Агарда тизимда номувофиқликлар мавжуд бўлса-ю, яъни буларни фақат маълум бир вақт бартараф қилиш мумкин бўлган ҳолатлар бўлса, унда қайта сертификатлаштириш худди биринчи сертификатлаштиришдек ўтказилади.

Сифат менежменти тизими мувофиқлик белгиси халқаро стандартларга мувофиқ белгиланиш шаклида кодлари билан фарқланади.



Сифат менежменти тизими сертификатлаштириш ва қайта сертификатлаштириш жараёнидаги ишлар ҳажми ва меҳнат сарфи 1-жадвалга биноан амалга оширилиши мумкин.

**Сертификатлаштириш аудитини ўтказишга меҳнат сарфини  
аниқлаш учун тавсия**

<b>Мурожаатчи ташкilotнинг ишчилар сони</b>	<b>Кун-киши сони</b>	<b>Мурожаатчи ташкilotнинг ишчилар сони</b>	<b>Кун-киши сони</b>
10 гача	2	1175	13
25 гача	3	1550	14
45	4	2025	15
65	5	2675	16
85	6	3450	17
125	7	4350	18
175	8	5450	19
425	10	6800	20
625	11	8500	21
875	12	10700 гача	22

**Ўз-ўзини текшириш ва назорат саволлари**

1. Инспекцион назорат нима?
2. Инспекцион назоратнинг қандай турлари мавжуд?
3. Нималар инспекцион назорат объектлари бўлиб ҳисобланади?